

ОХ, БОНКАЛАР БИЗНИ БАРБОД ЭТДИ

— Шундайми?

— Албатта йўк.

— Бас, нима бизни барбод этди?

— Нозоалла, хисобсизлик. Тўғри, ақл ва тарбиясизлик бизни барбод этди. Айб бонкада йўк, бизда. Чунки бошка миллатлар бонкалар сабаби ила обод бўлур. Давлати ва мулки ортур. Аммо биз, зохиран бонкалар сабаби ила барбод ва факир бўлармиз. Аввалги бор мулкимиз кўлдан кетарки, мунинг асл сабаби бонка эмас, ўзимизни тарбиясизлигимиз ва донишсизлигимиз ва беҳисоблигимиз ҳамда нафъ ва зараримизни билмаганимиз, тижорат иши ва ахли замонадан беҳабарлигимиздан, хулоса, жаҳолат ва нодонлигимиздандур.

Бонка сабаби ила яхудий, армани ва бошкалар давлатлик бўлур. Биз бўлса, болакс давлатимиздан, мулк ва обрўйимиздан айрилармиз. Чунончи, кўлдаги бор нимарсамизни тўй ва азога, беҳуда одатларга сарф этармиз. Кўрпамизга караб оёк узатмаймиз. Карз ила иморат, тўй, фиск ва бойлик килармиз. Исроф килармиз. Охири «Хаср ад-дунё ва-л охира»[1] бўлурмиз. Бу сабаб ила факирлик даражасинда тушуб, сўнгра бонкадан Додхохлик килармиз. Бир карра диккат килинсун, бир яхудий, бир ўрус, бир армани ҳеч вақт тўй деган балога беш минг сўм, ҳатто, бир-икки минг сўм сарф килгани эшитилмайдур. Биз бўлса, йигирма минг сўмлаб сарф этармиз. Кошки бу пул ўзимизники бўлса эдики, ялгуз исроф гуноҳи ила кутулардук. Йўк, балки биз ҳақ-ул-абад[2]дан кўркатургон мусулмонлар бошкалар окчасини барбод этиб, охиратга карзи дунёга кулфат ортдурармиз. Мундан номаъкул ҳаракот, албатта, шаръан ва ақлан гуноҳи азимдур, девоналикдур.

Хўканддан жаноб М. Д. Р. М. афанди ёзадурларки, бонкадан фойдалиқ окча олмок дурустми? Ва биз, мусулмонлар нима учун бонкадан пул олиб синармиз? Аввалги савол учун жавоб берармизки, шаръан бонкадан пул карз олмок тўғрисида мўътабар «Шўро» мажалласинда тафсили илан кўб ёзилди. Хохласангиз «Шўро»дан ўқуб огоҳ бўларсиз ва ул сиз учун ҳозиржавобдур. 2-саволга қисқалиқ ила шуни ёзармиз: масалан, Абдуллабой баззозни ўзидан беш минг сўм сармояси бор. Дўконида 500 сўмлик молни олти ой ваъда ила нася сотди. Албатта, бу сотилган молга ақлан 50 сўм фойда кўюб эдики, юз-да ўн юзасидан бўлур. Энди дўкондаги мол оз эди, яна мол олмок учун окча йўк. Кантурдан нася олса, аввалда нақдага нисбатан 7—8 хисса қиммат қилиб берур, Масалан, 400 сўмлик молни олти ойга 470 сўм, балки зиёда қилиб берар ҳамда яхши молга ямонни кўшар, агарда Абдуллабой баззоз бонкага сотган моли учун олган векселини қўйса, олти ойга бонка 500 сўм нақд бериб, факат 15 ё 20 сўмгина фойда саҳлайдурки, бизни баззозимиз ушбу пулга 4—5 кантурдан чекқасига чертиб, сийлаб молни арзон нархга олур. Ана бонка ҳикмати ва кераклиги шундан иборатдур ва ҳам шундай ўлчав ила муомала қилинса, ҳар қим бонкадан фойда кўрар. Йўк, бонка уни учун эмаски, бир

пулсиз дўкон ўлтуруб ва бонка пулини нася килиб, тўй ва зиёфат ва иморат ва шароратга, кўбқари ва азога сарф килиб ё бонкадан карз олиб, хаж бориб, дунёга баобрў ва охиратга карз юклаб кетмок учун эмасдур.

Мухтарам М. Д. Р. М. афанди! Мундан бошка яна синмокимизга сабаб тарийки тижоратни, молни олиш ва сотиш жойини билмаганимиз, пахта ва бошка галла тўгрисинда Амрико, Африко ва Оврупо бозор ва зироатларини холидан, бўлган ва бўлмаганидан беҳабарлигимиздур. Бизни тожирлар аксарият ила хеч жойдан беҳабар «таваккал» деб иш киладурларки, ташаббуссиз таваккал ила иш килмокни шаръан манхийлигидан беҳабарлигимиз боисдур. Энг охирги сабаб синмокимизга шулки, тижорат майдонинда нодонлигимиздан бошқалар тарафидан алданармиз. Хулоса, бизлар коммерсант, яъни тожири замоний эмас, балки бизларга дехконлик лозим. Аммо маатаассуф унга хам илми басират ва хисоб лозимки, бизга шу илми замоний йўқ, бинобарин келаримиз ниҳоят коронгудур. Мулкларимиз аксари кўлдан кетар ва кора меҳнаткаш бўлуб колурмиз. Аллох басират берсун. Шайх Саъдий деюр: «... мадохили ўн саккиз ва махорижи йигирмалик киши холига йигламок керак. Кундуз чирог ёккан аблахнинг окшом коронгуда ўлтурганини якинда кўрарсан».

«Ойна» журнали, 1914 йил, 19-сон, 342—344-бетлар.

[1] Дунё ва охиратни барбод этиш.

[2] Киши хаки.